




XASR



ЎТМОИЙ-СИЙОСИЙ
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2011 йил 3 ноябрь, пайшанба
44-(416)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Назорат-таҳлил давомида 2011 йилнинг 9 ойида Наманган вилоятдаги 829 та бўш турган объектнинг 704 таси кичик бизнес субъектларига ижарага берилгани таъкидланди



Президент Концепцияси барча маслақдошлар, айниқса, партия депутатлик гуруҳи зиммасига ҳам жуда катта масъулият юкляди



«Кувейт спорт клуби»ни 2:1 ҳисобида мағлуб этган «Насаф» ўзбек футбол тарихида китъавий мусобақаларнинг мутлақ ғолиблигини қўлга киритган биринчи клуб бўлди

03 ДПУТАТЛИК
ГУРУҲЛАРИДА

04 МУНОСАБАТ

08 ЎЗБЕК СПОРТИ

ЖАРИМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ. ФАҚАТ...

О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА МУХОКАМА ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСНИНГ 283 ВА 291-МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИГА ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОЙИДА ЖАРИМА УНДИРИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ НОРМА КИРИТИЛМОҚДА

Бундан ташқари, фракция аъзолари «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ҳам атрофлича муҳокама қилдилар.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра, йўл-патруль хизмати ходимлари қондан бузган ҳайдовчи ва пйедалардан жойида жарима ундириш ҳуқуқига эгалар. Бунинг учун жарима суммаси энг кам иш ҳақи миқдоридан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Агар рақамларга эътибор қаратсак, 2010 йил давомида 2 миллиондан зиёд ана шундай қондабузарлик ҳолатлари аниқланиб, ҳайдовчи ва пйедалардан 5,75 миллиард сўм миқдорида жарималар ундирилган.

3 >>>

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ДАСТУР ИЖРОСИ МАСАЛАСИНИ СЕССИЯГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ О'ZLIDER ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ВИЛОЯТДАГИ ИЖРОСИ МУХОКАМА ҚИЛИНДИ

Давлат дастури ижроси бўйича депутатлар томонидан олиб борилган назорат-таҳлил ишларининг якуни ҳақидаги ахборотда таъкидланганидек, вилоятда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2011 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш эъвазига 24738 та янги иш ўрни ташкил этилган. Уй меҳнатининг барча шаклларида унумли фойдаланиш ҳисобига эса яна 22684 та қўшимча иш жойи яратилган. Шу давр оралиғида 111 та чакана савдо, 17 та умумий овқатланиш, 20 та кийим тиқиш, 11 та маиший техника таъмирлаш ҳамда 59 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган.

3 >>>



АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИ СANOAT, ҚУРИЛИШ ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ-ҚОНДАЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» МАВЗУИДА ДАВРА СУХБАТИ ЎТКАЗДИ

Халқаро тажриба ва миллий қонунчилик

Маълумки, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ўрта синфни шакллантириш, иқтисодий ёлтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни жадал ривожлантириш мақсадида қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий қафолатлар тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Барча соҳа ва тизимларда қўлга киритилган натижалар, рўй

бераётган ўсиш-ўзгаришлар эса шубҳасиз, ана шундай изчил сиёсат самарасидир. Буни халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган таниқли экспертлар ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар. Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈИКА)нинг ҳуқуқий ислохотлар бўйича маслаҳатчиси Йосуке Шамото, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Эскендер Трушин, Халқаро молия корпорациясининг маъму-

рий тартиб-қондаларни таркомиллаштириш бўйича маслаҳатчиси Флорентин Бланк, Жанубий Корейнинг Кичик бизнес корпорацияси (SBC) эксперти Джун Хо Лилар иштирок этган анжуманда таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози хатто энг ривожланган давлатларни қийин ахволга солиб қўйган 2009 йилда ҳам Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши таъминланди. Бу кўрсаткич 8,1 фоиздан пасаймагани эса

«Ўзбек модели»нинг нақадар ишончли эканини, аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилганини исботлади. Айни пайтда иқтисодий тармоқларида иш билан банд бўлган жамаи аҳолининг 74,5 фоизи хусусий секторда меҳнат қилаётгани эса мамлакатда ўрта синфни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган кўрсаткич бўлади. Бундан 10 йил аввал бу кўрсаткич 49,7 фоизни ташкил этганди. Рухсат бериш тартиб-қондаларининг содда-лаштирилиши хусусий секторни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Турли соҳа ва тизимларни ривожлантириб, жамаиатни ҳаракатга келтирадиган хусусий тadbirkorликнинг бандлик масаласини ҳал этиш, янги технологияларни жорий этиш борасидаги иштироки, турли инқироз ва бўҳронларга бардошлилигини, Ўзбекистонда ишбилармонларнинг 90 фоизи айнан кичик бизнес тизимида фаолият юритаётганини таъкидлашга ҳожат бўлма-са керак.

2 >>>

Синалган уруғ хавфсизлик ва ҳосилдорлик гарови бўла олади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИДА АНА ШУНДАЙ ХУЛОСАГА КЕЛИНДИ



Кейинги 12 йил ичида дунё аҳолисининг 7 миллиардга етгани тавсия бўлган глобал муаммага айлана бораётган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини яна бир бор кун тартибига қўймоқда. Аҳолини сифатли


қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда эса сара ва синалган уруғларнинг ўрни ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Афсуски, бугун экологик мувоzanатнинг бузилиши ўсимлик уруғларининг камайиб кетишига ҳам сабаб

2 >>>

Президент китобини ўрганишга бағишланди

САМАРҚАНДДАГИ ЁШЛАР МАРКАЗИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАКИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТАНАСИДА» КИТОБИНИ ЎРГАНИШ ВА КЕНГ ТАРФИБ ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУХБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган мазкур тadbirkor тарихчи ва сиёсатшунос олимлар, маънавий тарғибчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.



Давра суҳбатида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида чоп этилган мазкур асар, айниқса, тарихан қисқа даврда давлатимиз эришган ютуқ ва муваффақиятлар, халқимиз ҳаётидаги янгилик ва ўзгаришлар, босиб ўтилган ғоят мураккаб ва шарофли мустақил тароққий йўлида қандай синов ва машаққатлар энгиб ўтилгани ҳақида ёрқин тушунча бериши билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Китобда баён этилган истиқлолга эришиш йўлида юртимизда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги теран фикрлар, халқимиз бошидан кечирган турли воқеалар, Президентимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлида кўрсатган жасорати ҳар бир юртдошимизни истиқлолнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб яшашга ундайди.

Давра суҳбатида ўша оғир кунларга гувоҳ бўлган катта авлод вакиллари ва олимлар китобда ҳикоя қилинган воқеалар, ҳақиқатан ҳам, ғоят таҳликали кечгани, эртанги кунга ишончи қолмаган халқимизни мустақиллик сари бошлаш ва руҳлантиришда Президентимиз Ислам Каримовнинг шахсий ибрати, ватанпарварлиги муҳим омил бўлгани ҳақида гапирдилар.

Биз ушбу китоб орқали Ватанимиз мустақиллиги осонлик билан қўлга киритилмагани, бу йўлда халқимиз катта машаққат ва синовларни бошдан кечиргани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдик, — дейди Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Нилуфар Ҳасанова. — Шунингдек, бошқа манбаларда учрамайдиган тарихий факт ва маълумотлар ҳам истиқлолга эришиш арафасида юртимизда юзага келган вазият тўғрисидаги тушунчаларимизни бойитди. Китобни ўқиб, биз, ёшлар овоз ва обод Ватанда туғилиб ўсганимиз, давлатимизнинг чексиз эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб таълим-тарбия олаётганимиздан фахрланиш баробарида истиқлолнинг қанчалик буюк неъмат эканлигини ҳар лаҳза ҳис қилиб яшашимиз, уни қадрлашимиз лозим, деган хулосага келдик.

(ЎЗА)

БУГУНГИ СОНДА:

ТАДБИРКОРЛИК ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА



Истиқлол йиллари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамаияти қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик вакилларида иборат янги синф шаклланиб, иқтисодийнинг етакчи қучига айлангани халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

04 >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари ▲ 1860,52
1 Англия фунт стерлинги ▲ 2822,38
1 Дания кронаси ▲ 332,95
1 БАА дирҳами ▲ 480,63

1 АҚШ доллари ▲ 1765,53
1 Миср фунти ▲ 295,83
1 Исландия кронаси ▲ 15,53
1 Канада доллари ▲ 1767,12

1 Ҳитой юани ▲ 277,98
1 Малайзия ринггити ▲ 575,56
1 Польша злотийси ▲ 573,84
1 СДР ▲ 2819,50

1 Туркия лираси ▲ 1007,44
1 Швейцария франки ▲ 2027,01
1 ЕВРО ▲ 2474,08
1 Жанубий Корея вони ▲ 15,92

1 Япония иенаси ▼ 222,95
1 Россия рубли ▲ 59,05
1 Украина гривнаси ▲ 221,33

ПАРЛАМЕНТДА

Халқаро тажриба ва миллий қонунчилик



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримовнинг шу йил 24 август кунини имзолаган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хусусий сектор фаолиятига ҳалал бераётган айрим муаммоларни ҳал этиш борабарда мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда ҳам тадбиркорлик субъектлари иштирокини янада кенгайтириш имконини беради.

Айни кунларда жойларда ўтказилаётган тадбирлар, илмий анжуман ҳамда амалий семинарларда мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган имтиёзлар кенг муҳокама қилиниб, бу борадаги халқаро тажриба атрофида ўрганилмоқда. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш» мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этган хорижий экспертлар ҳам Ўзбекистонда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидладилар. Анжуманда, шунингдек, рухсат бериш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, давлат назорати ва бошқаруви тизимининг айни жараён билан боғлиқ механизмларини янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, иқтисодчи олимлар, Франция, Германия, Жанубий Корея ва япониялик экспертлар, Шарқий Европа ва Осиё мамлакатларида рухсат бериш тартиб-қоидаларини такомиллаштиришда фаол иштирок этган тажрибали мутахассислар қатнашгани тадбир нуфузини янада оширди. Халқаро экспертлар айни пайт-

Хорижлик экспертларнинг фикрича, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари доирасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат кичик бизнес ривожини, балки мамлакат тараққиётига ҳам кучли таъсир кўрсатади.

да Ўзбекистоннинг тадбиркорлик субъектларини текширишни қисқартириш бўйича эришаётган ютуқлари, «ягона ойна» ва «сукут – розилик аломати» тамойилларининг амалий самараларига юқори баҳо бердилар.

Таниқли мутахассисларнинг фикрича, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари доирасида парламент куйи палатаси томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат кичик бизнес ривожини, балки мамлакат тараққиётига ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Тадбиркорлик соҳасидаги рухсатномалар бериш тартибларининг яхлит қонунда акс эттирилиши мулкдорлар қатламнинг янада кўпайиши ва фаолиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса тадбиркорлар ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини ҳосил қилиб, бозорда ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулотлар чиқарилишига олиб келади. Агар халқаро тажрибага таянган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, маҳаллий тадбиркорларнинг ташиқ бозорлардаги мавқеи янада мустаҳкамланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда мулкчилик таркибида кескин ўзгаришлар рўй бераётгани, бозор иқтисодиётининг негизий ҳисобланган хусусий мулк асосида кичик бизнес ва тадбиркорликка устувор аҳамият берган ҳолда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланиши қув-

нарлидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилаётгани бугунги кунда жуда катта самаралар бермоқда. Ўзбекистон ортқича бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир замонавий усулларни босқичма-босқич жорий этиш борасида кўпчиликка ўрнатилган бўлаётгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Миллий иқтисодиётнинг таянч кучи бўлган хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, энг аввало, соҳани тартибга солувчи қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш ва уларни замон руҳига мослаштиришни тақозо этади. Ўзбекистонда эса ўтган давр мобайнида шу соҳани ривожлантиришга қаратилган 400 дан зиёд меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилингани мулкдорлар қатламнинг ривожланишида ишончли ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 53 фоизга етгани ҳам айни шундай ҳуқуқий асос мавжудлиги натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги фармони эса соҳа фаолиятида мавжуд бошқа бюрократик тўсиқларни, ишбилармонларнинг эркин иш юритишига ҳалал бераётган сунъий говларни бартараф этишга қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар халқаро тажрибани таҳлил этсак, худди шундай ислохотларга қўл урган Голландияда 2 миллиард АҚШ доллари иқтисод қилингани, Хиндистонда рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қисқартирилиши натижасида ялпи ички

маҳсулот ҳажмининг ўсиши йилга 3,5 фоиздан 7 фоизгача ошганини кўрамиз.

Давра суҳбати иштирокчилари «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни ҳам билдирдилар. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари таркибига тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидаларини даврий инвентаризациядан ўтказиш вазифасини ҳам киритиш зарурлиги таклиф этилди. Ривожланган мамлакатларда рухсат бериш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш муҳокамаларнинг доимий мавзуси ҳисобланади. Бу тажрибанинг Ўзбекистонда жорий этилиши бизнес муҳитини янада яхшилаш борабарда давлатнинг ўзгаришлардаги ўзгаришларга ўз вақтида мослашиш имкониятини ҳам кенгайтиради.

Иккинчидан, қонун лойиҳасидаги ҳавола нормаларни қисқартириш рухсат беришни кўзда тутадиган ҳужжатлар рўйхатини қатъий белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Японияда ушбу тажрибанинг қўлланилиши шаффофликни таъминлаш билан бирга ҳуқуқий нормаларни турлича тартибга солиш ҳам субъективизмнинг олдини олишга хизмат қилган.

Учинчидан, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши лицензиялаш ва сертификатлашга доир амалдаги тартибларни ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этади. Зеро, айрим муассаса ва идораларнинг баъзи бир меъёрий ҳужжатлари ҳам тадбиркорлик фаолиятига ҳалақат берадиган, амалдаги қонунларда кўзда тутилмаган

қўшимча тартиб-қоидаларни келтириб чиқариши мумкин.

— Президентимиз Исрол Каримовнинг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларидаги 50 дан зиёд рухсат бериш тартиб-қоидалари бекор қилинди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуртова. — Бу эса кичик бизнесни ривожлантириш — ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш гаровидир.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармоннинг иккинчи бандига асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликларнинг тадбиркорлар фойдасига таркибга солиниши аниқ белгилаб қўйилгани жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу ўринда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Юртбошимизнинг юқорида тилган олинган фармон ва қарорига мантиқий уйғунликда тайёрланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу ҳужжат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларнинг қатъий рўйхатини белгилашни назарда тутди. Шу боис лойиҳани тайёрлаш жараёнида ҳозиргача амалда бўлган рухсат бериш хусусиятига эга ҳуқуқий нормалар инвентаризациядан ўтказилди. Муҳокамалар натижасида амалдаги 383 та ҳужжатнинг 112 таси замон талабларига жавоб бермай қолгани ёки биринини такрорлагани туфайли чиқариб ташланди. Рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларнинг соҳалар бўйича тавсифланиб, алоҳида ажратилгани эса ўрта синф — мулкдорлар қатламнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлайди.

Лойиҳанинг муҳим хусусиятидан яна бири рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларининг очик-ойдинлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг аризаси ва уни кўриб чиқиш мuddатларини аниқ белгилаш кўзда тутилган. Тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятнинг маълум тури бўйича рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза топширилгандан сўнг белгиланган мuddат ичида унга жавоб олмаसा, тадбиркор ўз ишини бошлаш имкониятига эга бўлади. Бунда ваколатли органга хабарнома юборишнинг ўзи кифоя. Ушбу қоида давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари аризалари кўриб чиқилишининг чўзилиб кетишига ҳам барҳам беради.



Синалган уруғ хавфсизлик ва ҳосилдорлик гарови бўла олади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Мажлисида таъкидланганидек, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» парламент назоратини янада кучайтириш, марказида ва жойларда ижро ҳокимияти органларининг амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини бажариши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш имконини бериши. О'zLiDeP Сёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, қўмита томонидан мутахассис, олим ва экспертлардан иборат махсус парламент ишчи гуруҳи тўзилиб, 2010 йилдан бери соҳага оид қонунларнинг ижро этилиши юзасидан 7 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган. Ҳужжатларнинг бажарилишига эришилган ҳолатда эса тегишли қарор қабул қилиниб, назорат-таҳлил давомида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга тавсиялар берилган. Айни пайтда эса «Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2010 ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури»га мувофиқ ҳудудларда қонунлар ижроси муҳокама қилинмоқда. Андижонда ўтказилган парламент эшитиладиган қўланган мақсад ҳам қонуннинг вилоятдаги ижросини таҳлил қилиш орқали аҳолиси энг зич ҳақда тупроқ унумдорлиги юқори бўлган ҳудудда уруғчилик истиқболларини янада ривожлантиришга кўмаклашидир.

Йилгилида Андижон вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Усмонов сўзга чиқиб, Андижонда уруғчилик йўналишида ўзига хос мактаб яратилгани, соҳада ўрганиш арзидиган тажриба тўпланганини таъкидлади. Худудда дон ҳосилдорлиги 62,2 пахта эса 29,2 центнерга етгани, жорий йилда давлатга пахта сотиш шартномавий-режаси биринчиликдан бўлиб бажарилгани ҳам уруғчилик алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Вилоят миришкорлари аҳолига сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда синалган ва сара уруғ муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, соҳада бир қатор ишларни амалга оширдилар. Жумладан, жорий йил ҳосилдан 313 та уруғчилик фермер хўжалигидан 21 миң 526 тонна дон уруғлиги жамғарилиди. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Андижон филиали томонидан «ЎзПИТИ-201», «ЎзПИТИ-202», «ЎзПИТИ-203» навлари яратилиб давлат нав синаш шохобчаларида синавдан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, филиал тажриба майдонларида 17 хил дурагай уруғлар синалмоқда.

Шунингдек, вилоятда илмий-экспериментал фермер хўжаликлари илк бор синавдан ўтказилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Базавий уруғчилик хўжалиқларидаги инновацион технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳар бир тумандан синаш ишлари йўлга қўйилган. Айни кунда ҳам 107 та

илмий-экспериментал фермер хўжалиқларида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга қўллаш юзасидан кенг қўллаш ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Қўрғонтепа туманидаги «Оқ сув» илмий-экспериментал элита уруғчилик фермер хўжалиги томонидан яратилган комбинацияланган агрегат ёрдамида тупроққа минимал ишлов бериш технологияси жорий этилиб, пахта ва галладан юқори ҳосил олинмоқда.

— Биз даладимизда «Андижон-36» навини экамиз, — деди «Оқ сув» фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов. — Унинг толаси ҳам, ҳосилдорлиги ҳам юқори. Гектарига 40 центнерга яқин ҳосил берадиган бу навинга таъси сифатли бўлгани учун ҳам тўқимачиларга маъқул келмоқда.

Энг асосийси эса вилоятда қонун ижросини таъминлашга алоҳида эътибор берилиб, гўза, дон ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигида назорат ишлари ягона тизимга солинган. Вилоят деҳқонларини сара уруғчилик билан таъминлаш мақсадида «Андижондон маҳсулотлари» ОАЖ тизимида Германиянинг 5 та «Пектус» дон саралаш дастгоҳлари ўрнатилди. Юртбошимизнинг Андижон вилоятига ташрифларида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида бугун вилоят меҳнатқашлари яна бир бор соҳадаги ишларни янада кучайтиришни ўз олдларига мақсад қилишган. Шу боисдан 140 та намунавий фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Парламент эшитиладиган ҳудуднинг соҳада эришаётган ана шундай муваффақиятлари билан бирга йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилди. Хусусан, соҳага малакали кадрлар тайёрлаб беришда баъзи қийинчиликларга дуч келинмоқда. Мазлумки, бутун Фарғона водийси учун Андижон кишлоқ хўжалиги институти кадрлар етиштиради. Бирок шунга қарамай, кейинги йилларда институтда магистратура йўналишларига қабул тўхтатиб қўйилган. Бу эса талабаларнинг илмий билимларини ошириш имконини чегараламоқда.

Бундан ташқари, на халқ депутатлари вилоят кенгашидан, на туман, шаҳар кенгашларидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Уруғчилик тўғрисида»ги қонунга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб бирорта таклиф ёки ташаббус билдирилмади. О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шариповнинг таъкидлашича, қонунларнинг сифатли қўбул қилинишида худудлардан келаятган таклифларнинг ўрни муҳим. Чунки у ерда истиқомат қилувчи аҳоли ўз худудидаги аҳволни яхши билади. Шу боисдан маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари доимо амалдаги қонунлар бўйича аҳоли орасида сўровномалар ўтказиб, келиб тушган таклифларни парламентга тақдим этиши мақсадга мувофиқдир.

Йилгилида билдирилган ана шундай таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Жарима бекор қилинади. Фақат...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Лекин шунга қарамай, бу жараён йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, пийёда ва ҳайдовчилар масъулиятини оширишга қутилганидек таъсир кўрсатмапти. Автотранспорт воситаларини белгиланмаган жойларда қолдириб кетиш ҳолатлари эса тобора ортиб бормоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 283 ва 291-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига кўра, жойида жарима ундириш амалиёти бекор қилиниб, руҳсат этилмаган жойларда қолдирилган транспорт воситасини мажбурий эвакуация қилиш тизими ҳам жорий этилади.

О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳасини муҳокамага тайёрлашда халқаро тажрибадан унумли фойдаланилди. Масалан, Швеция, Кипр, Украина ва Латвияда полиция ходимларининг жойида жарима ундириши таъқиқланган. Германияда эса ўт ўчириш машиналарига мўлжалланган йўлакда қолдирилган транспорт воситаси мажбуран жарима майдонига келтирилади ва ҳуқуқбузарга 25 евродан 35 еврогача жарима қўлланади. Бундан ташқари, ҳатто транспорт воситаларининг синган чироклари, ойнасининг дарз кетиши ёки қорайтирилиши ҳам мажбурий эвакуацияга сабаб бўлади. Украинада эса мажбурий эвакуацияни амалга оширишда босиб ўтилган ҳар бир километр учун 50, бир кун жарима майдонда сақлаш учун эса 136 АҚШ доллари миқдоридики ҳақ олинади.

Ана шундай қиёсий таҳ-



лиллал, баҳс-мунозаралар асосида ўтган фракция йиғилишида ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, парламент кўйи палатаси муҳокамасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тезроқ қабул қилиш ва ҳаётга жорий этиш кераклиги таъкидланди. Аммо айрим депутатлар мунтазам муҳокама жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни қайта кўриб чиқиш лозимлигига эътибор қаратди. Зеро, ҳар қандай қонун мукамал даражада қабул қилингандагина унинг ижросида ҳуқуқий низолар келиб чиқмайди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини О'zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Хайдарова тақдим қилди. Депутатнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2011 йил 2 майдаги «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тўлдирилмоқда. 27-моддада эса геологик жиҳатдан ўрганиш мақсадида норуда фойдали қазилмаларни қавлаш ҳамда техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси томонидан тақдим этилиши назарда тутилмоқда.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг қарори қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида соҳа вакилларига қулай шароитлар яратилаётгани, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича муайян имтиёзлар белгиланаётгани тадбир-

лик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Хусусан, вилоятда ўрта махсус, касб-хунар таълимни олиш, ўқувчиларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш, танланган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисларни эгаллаш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси томонидан тақдим этилиши назарда тутилмоқда.

Дастур ижроси юзасидан ана шундай муаммолар мавжудлиги, айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари, мунтазам муҳокама жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Хусусан, вилоятда ўрта махсус, касб-хунар таълимни олиш, ўқувчиларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш, танланган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисларни эгаллаш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси томонидан тақдим этилиши назарда тутилмоқда.

Дастур ижроси юзасидан ана шундай муаммолар мавжудлиги, айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари, мунтазам муҳокама жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Хусусан, вилоятда ўрта махсус, касб-хунар таълимни олиш, ўқувчиларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш, танланган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисларни эгаллаш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси томонидан тақдим этилиши назарда тутилмоқда.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДА ИШЛАБ ЧИКИЛГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗДА БЕЛГИЛАНГАН МЕЪЁРЛАРНИНГ АМАЛДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАЁТГАНИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Бош қомусимизда ёшлар, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган. Шу асосда мамлакатимизда ушбу мақсадга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилган ва мунтазам тақомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» мавзуда ташкил этилган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда мустақилликнинг дастлабки кунларидан жисмоний ва маънавий етуқ авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифалари-

дан бири сифатида белгилангани алоҳида таъкидланди. Конституциямизда билим олиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқлари ҳимояси мустаҳкамлангани ёшлар учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Анжуманда иштирок этган талаба-ёшларга Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид меъёрлар ҳамда улардан амалда фойдаланиш имкониятлари ҳусусида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, миллий қонунчилигимиздаги янгилликлар ҳусусида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Коллеж — битирувчи — корхона

Кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими

ХОЗИРГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЮКОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАМИЯТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ УЗВИЙ ТАРКИБИЙ КИСМИ ХИСОБЛАНДИ

Р. БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, илм-фан, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг муҳим талабига айлангани алоҳида таъкидланди.

Малакали кадрлар тайёрлаш тизимида касб-хунар коллежлари алоҳида ўрин тутади. Ушбу таълим муассасалари тегишли давлат таълим стандарти доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимни олиш, ўқувчиларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш, танланган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисларни эгаллаш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси томонидан тақдим этилиши назарда тутилмоқда.

Дастур ижроси юзасидан ана шундай муаммолар мавжудлиги, айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари, мунтазам муҳокама жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Хусусан, вилоятда ўрта махсус, касб-хунар таълимни олиш, ўқувчиларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш, танланган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисларни эгаллаш имконини беради.

Бундан ташқари, ҳатто транспорт воситаларининг синган чироклари, ойнасининг дарз кетиши ёки қорайтирилиши ҳам мажбурий эвакуацияга сабаб бўлади. Украинада эса мажбурий эвакуацияни амалга оширишда босиб ўтилган ҳар бир километр учун 50, бир кун жарима майдонда сақлаш учун эса 136 АҚШ доллари миқдоридики ҳақ олинади.

Бу борада икки томонлама ва уч томонлама имзоланган шартномалар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда 2-3-курс ўқувчиларининг 50 фоизи билан уч томонлама шартнома имзоланган. Бу ўқувчиларга амалиётда ўз қобилиятини намоён этиш ва кафолатли ишга жойлаштириш имконини беради. Тошкент радиотехника касб-хунар коллежи «Фотон» очик акциядорлик жамияти, «Фотон» конструкторлик бюроси, «Zenith electronics» ва «Ўзбектелеком» кўшма корхоналари сингари йирик корхона ва ташкилотлар билан икки ва уч томонлама шартномалар имзоланган.

Коллежимизда ёшларга касб-хунар бўйича ҳуқуқ билим эгаллаш ҳамда ўз келажагининг мустақам пойдеворини яратиш учун барча шароит мавжуд, — дейди Тошкент радиотехника касб-хунар коллежининг 3-курс ўқувчиси Акбар Нормирзаев. — Мен яқинда уч томонлама шартнома асосида яшаш жойимга яқин бўлган Жиззах пахташи қайта ишлаш заводи қошидаги таъмирлаш бюросида ишлаб чиқариш амалиётини ўқидим. Бу коллежда олган назарий билимларимни амалиётда қўллаш ва келгуси иш фаолиятим учун зарур тажриба орттириш имконини берди. Менга, ўқишни тугатгач, шу корхонада ишлашни таклиф этишди. Шу тариқа, мен доимий иш билан таъминландим.

Таъкидлаш керакики, 2010-2011 ўқув йилида коллежда 300 нафар дипломли мутахассис тайёрланди, уларнинг 268 нафари иш билан таъминланди, 14 нафари олий ўқув юрталарида ўқишни давом эттирмоқда. Маълумотларга кўра, Тошкент радиотехника касб-хунар коллежи битирувчиларининг 58 фоизи ўзи амалиёт ўтаган жойида ишга кирмоқда. Бу мамлакатимиз ўқув муассасалари ва корхоналарининг ўзаро муваффақиятли ҳамкорлигидан далолатдир.

Депутатлик гуруҳи дастур ижроси масаласини сессияга олиб чиқишга қарор қилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

2011 йилнинг январь-август ойлариди тижорат банклари томонидан хусусий секторга жами 7,5 миллиард сўм миқдориди кредит маблағи ажратилгани ҳам бу борадаги ишлар кўламини далолат бermoқда. 10 та лойиҳани амалга ошириш учун эса жами 7,17 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган. Йиғилишда таъкидланганидек, бу курсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,6 фоизга кўпдир.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида тайёрланган ҳудудий дастур 9 та йўналишни қамраб олган 47 та банддан иборат, — деди вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий масалалар қотибияти мудири Ш.Мусаев. — Мазкур ҳужжат доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 84,6 миллиард сўм ва 10,1 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланиши белгиланган бўлиб, 1 октябргача 35 та бандда белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилди. Бунинг учун жами 79 миллиард сўм миқдориди маблағ ўзлаштирилди.

Маҳаллий тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларга ечим топишда «Очик эшик-

лар кунининг мунтазам ўтказилаётгани реал натижалар бераётганини мутахассислар алоҳида эътироф этмоқдалар. Жумладан, ана шу муҳим тадбир давомида 2679 та шикоят ва музожиратлар кўриб чиқилиб, уларнинг 2587 тасига ўз жойида ижобий ечим топилди. 92 та

Назорат-таҳлил давомида шаҳар ва туманлардаги 829 та бўш турган объектнинг 704 таси кичик бизнес субъектларига ижарага берилгани, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имконияти мавжуд бўлган 48 та объектда эса 568 та янги иш ўрни очилди юзасидан махсус режа тайёрлангани маълум бўлди.

музожаат эса айни пайтда тегишли идоралар томонидан ўрганилмоқда. Наманганда кичик бизнес субъектлари ҳисоботларини электрон шаклда қабул қилиш кўрсаткичлари ҳам тобора яхшиланиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, электрон ҳужжат айланиши 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 2460 тага кўпайган.

Дастурнинг энг муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, бўш турган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган биноларни тадбиркорларга ижарага бериш вазифаси эди. Назорат-таҳлил давомида шаҳар ва туманлардаги 829 та бўш турган объектнинг 704 таси кичик бизнес субъектларига ижарага берилгани, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имконияти мавжуд бўлган 48 та объектда эса 568 та янги иш ўрни очилди

юзасидан махсус режа тайёрлангани маълум бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида соҳа вакилларига қулай шароитлар яратилаётгани, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича муайян имтиёзлар белгиланаётгани тадбир-

корлар имкониятини янада кенгайтирмоқда. Жумладан, солиқ тизимида яратилган имтиёзлар туфайли 1783 та юридик шахсининг жами 20,6 миллиард сўм маблағи ўз ихтиёрида қолдирилган.

Шу ўринда вилоятдаги кичик корхоналар томонидан 95 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани, уларнинг 38 таси тўқимачилик, 29 таси озиқ-овқат, 12 таси қурилиш, 3 таси чарм-пойабзал, 2 таси тиббий техника ва дори-дармон сингари муҳим йўналишларга ихтисослаштирилгани таъкидлаш мумкин. Энг муҳими, мазкур лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли қўшимча 1455 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, депутатлар йўл қўйилаётган камчи-

МУНОСАБАТ

Депутатлик — масъулиятни ҳис этиш демакдир

O'ZLIDEP БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ РАҲБАРИ М.ЗОКИРОВ «XXI ASR» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

— Мансур Исаевич, маълумки, кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида сиёсий партияларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари, айниқса, амалдаги қонунлар ижросини қатъий назоратга олиш, депутатлар томонидан жойлардаги маҳаллий ва ижро ҳокимияти фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Айтингчи, Бухорода бу борадаги ишларни талаб даражасида, дейиш мумкинми?

— Энг аввало, ислохотларнинг янги босқичи Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун билан бошлангани таъкидлаш жоиз. Айнан ана шу қонун туфайли сиёсий партияларга кенг ваколатлар бериш баробарида улар зиммасидаги масъулият ҳам оширилди. Президентимиз Фиждунон, Шофиркон, Вобкент ва бошқа бир қатор шаҳар ва туманлардаги мавжуд аҳволи тузатиш бўйича бажариладиган ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланиб, депутатлик гуруҳи йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган, банклар ва уларнинг жойлардаги филиаллари ишида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

— Депутатлик гуруҳи фаолиятини кучайтириш учун яна нималарга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз?

— Айни пайтда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ўз йиғилишларини шаҳар ва туманлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ўтказиш амалиётини қўлламоқда. Бу эса

болалар спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш масаласи муҳокама этилганда ҳам рўй берди. Йиғилиш ўтказилгунгача депутатларимиз томонидан болалар спорт иншоотларидан қандай фойдаланилаётгани ўрганилган, ундаги жиҳозлар фақат комиссияга кўрсатиш учунгина тайёрлаб қўйилгани маълум бўлди. Бундай ҳолатлар айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг бугунги кун талабларини англамаётганларини кўрсатади, ҳолос.

Депутатлик гуруҳи томонидан жойларда пластик карточка билан муомала қилиш масаласи ўрганилганда ҳам бир қатор камчилик ва нуқ-



Орамизда шахсий манфаатини ўйлаб, ўз лавозимидан ажралиб қолишдан чўчиб, айрим соҳа ва тизимларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни ҳаспўшлаётганлар борлиги депутатлик назоратини янада кучайтиришни тақозо этади.

сонлар борлиги, кўп жойларда тўлов терминаллари етишмаётгани аниқланди. Вилоятнинг Фиждунон, Шофиркон, Вобкент ва бошқа бир қатор шаҳар ва туманлардаги мавжуд аҳволи тузатиш бўйича бажариладиган ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланиб, депутатлик гуруҳи йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган, банклар ва уларнинг жойлардаги филиаллари ишида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

— Айни пайтда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ўз йиғилишларини шаҳар ва туманлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ўтказиш амалиётини қўлламоқда. Бу эса

жойлардаги реал ҳолат билан яқиндан танишиш, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалаларга ечим топиш имконини берапти. Қолаверса, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига сайланган депутатлар фаолиятини жонлантириш, уларнинг ислохотлар жараёнида масъулиятини ошириш асосий масала, деб ўйлайман. Тўғри, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари сессиялари кун тартибига энг долзарб масалалар бўйича тегишли тақлифларнинг киритилаётгани ҳам қўйилган натижаларни берапти.

Шунга қарамай, депутатларимиз ва партия фаолиятини орасида давр талаблари даражасида иш олиб бормаётган, айрим долзарб масалаларни ҳал этишда сусткашликка йўл қўяётган, депутатлик назоратининг амалда сигналган усулларидан фойдаланмаётган депу-

татларимиз ҳам борлигини тан олишимиз керак.

Биз, депутатлар, энг аввало, сайловчи олдидаги масъулиятини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Зеро, орамизда ўз лавозимидан ажралиб қолишдан қўрқиб, айрим соҳа ва тизимларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни ҳаспўшлаётганлар борлиги депутатлик гуруҳларининг масъулиятини янада оширишни тақозо этади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларими — барчанинг зиммасида ҳам ана шундай ягона масъулият бор. Бу — сайловчи талабларига амал қилиш, электротартибни энгил, узогини эса яқин қилиш масъулиятидир. Шу маънода ҳам депутатлик назоратининг бугунги кунда долзарб масалаларни вилоят, шаҳар ва туманлар мик-

сидаги катта-кичик йиғилиш ва сессияларда дадил кўтариб чиқиш талаб этилмоқда. Бирок, бунинг учун биринчи навбатда депутатларимизнинг ўзлари сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама етуқ, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа ҳодисаларга сиёсий баҳо бера оладиган демократик ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қодир инсонлар бўлиши керак. Шундагина улар турли даражадаги катта-кичик раҳбарларга ўз партиясининг ғоя ва мақсадларини, сайловчи талабини қўя олади. Айнан шундай депутатлар кейинги сайловларда ҳам халқ ишончига сазовор бўлиб, етарли овоз оладилар. Айтмоқчиманки, айнан ана шундай депутатларгина давр талаблари даражасида фаолият кўрсатиши мумкин бугун.

Шу маънода ҳам Президент Концепцияси барча масъулларимиз, шу жумладан, партия депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклатди.

Бу эса халқ сайлаб қўйган ҳар бир депутатдан — ҳоқ туман кенгаши, ҳоқ Қонунчилик палатаси депутати бўлсин, фаол ҳаракат қилишни тақозо этамоқда.

Танқиддан тўғри хулоса чиқарилди

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ПАРТИЯНИНГ СИЁСИЙ МАЙДОНДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ КЎП ЖИҲАТДАН УНИНГ ҚУЙИ БЎГИНЛАРДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИК

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, «XXI ASR»

«XXI asr» газетасининг 2011 йил 9 июндаги сонидида «Қарсик кўлдан» сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ва Шахрисабз туманларидаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти таҳлил этилган эди. Унда, айниқса, БПТлар фаолиятини жонлантириш, партиявий ишларни изчил ва электротар манфаатларига асосланган ҳолда олиб боришга жиддий эътибор берилмаётганига эътибор қаратилган эди. Орадан тўрт ой ўтгач, мақолада тилга олинган камчиликларни бартараф этиш юзасидан олиб борилган ишлар билан қизиқдик.

Кези келганда таъкидлаш керакки, айни пайтда O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг 700 дан ортиқ бошланғич ташкилотлари ўз атрофига 10 миңдан зиёд аъзони жамлаган бўлиб, улар жойларда либерал-демократик ғояларни кенг тарғиб этиш, партия вазифаларининг ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқдалар. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Шахрисабз туманидаги партия фаоллари ҳам бу жараёнга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

O'zLiDeP Шахрисабз туман кенгаши аппарат раҳбари Шўҳрат Ражабовнинг таъкидлашича, эълон қилинган мақоладан кейин тумандаги 40 та БПТ фаолияти қайта кўриб чиқилган. Муаммоларнинг сабаблари чуқур таҳлил этилиб, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик чоралари белгиланган. Айни пайтда партия Низоми ва Сайловолди дастурида кўрсатилган давлат ва жамият қурилишининг долзарб масалалари, минтақанинг социал-иқтисодий ривожланиш дастурлари асосида иш олиб борилмоқда. Хусусан, электротар вакилларининг ташаббускорлигини рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 20 га яқин партиявий тadbирлар ўтказилган. Бунда «Маҳалла», «Қамолот» ЕИХ каби жамоат ташкилотлари, шунингдек, «Микрокредитбанк», вилоят солиқ ва

божхона бошқармалари ҳамда хотин-қизлар қўмитаси билан йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Биргина «Ёшлар қаноти» томонидан ўтказилган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловида партия фаоли Фаёза Абдуллаеванинг муваффақиятли иштирок этиб, вилоят, сўнгра республика босқичида фахрли ўринни эгаллагани ҳам ҳудудда ёшлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратила бошланганини кўрсатади.

O'zLiDeP Шахрисабз туман кенгаши депутатлик гуруҳи имкониятларидан ҳам кенг фойдаланишга интиломоқда.

— Партия фаолларининг 3 нафари халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашига, 13 нафари эса туман кенгашига депутат этиб сайланган, — дейди кенгаш раиси Улаш Ярашев. — Айрим депутатлар сайловдан кейин улар учун овоз берган сайловчиларни унутиб қўядилар. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар ойда депутатларимиз иштирокида муҳим вазифалар белгилаб олинмоқда. Жойлардаги энг долзарб масалаларни чуқур ўрганган ҳолда туман кенгаши сессиясига киритишга ҳам тайёрлапмиз. Жумладан, жорий йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастуридаги янги иш ўринлари яратиш ва кичик бизнесни ривожлантириш йўналишида олиб борилган ишлар ижросини таҳлил қилдик. Аниқланишича, кичик бизнес субъектларига кредит беришда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар энди иш бошлаётган, ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёш тadbиркорлар фаолиятида учраётгани ҳам маълум бўлди. Шунинг учун ҳам мазкур масалани туман микёсида ўрганиб, кенгашнинг навбатдаги сессиясига киритишга қарор қилдик.

Албатта, ҳар қандай режа ва вазифалар ижроси билангина қадридлир. Туман кенгашининг белгиланган вазифаларни ўқдалашига эҳтимом шубҳа қилмаслик керакдир. Аммо Шахрисабз туманида салкам 300 миң киши истиқомат қилаётганини инобатга олсак, партия аъзолари сони бор йўғи 600 нафарни ташкил этаётгани партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш зарурлигини аниқлатади, албатта.

Тadbиркорлик прокуратура ҳимоясида

ИСТИКЛОЛ ЙИЛЛАРИ ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ЯНГИ СИНФ ШАКЛЛАНИБ, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИГА АЙЛАНГАНИ ХАЛҚАРО МИКЁСДА ХАМ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА. АЙНИ ПАЙТДА АҲОЛИНИНГ ҚАРИЙБ 75 ФОИЗИ МАЗКУР СОҲАДА БАНДЛИГИ ЭСА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДА ХАМ УЛКАН АҲАМИЯТ ҚАСБ ЭТАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

Ўз мухбиримиз

Кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Савдо-саноат палатаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ҳимоясини таъминлаш масалалари» мавзусидаги конференцияда ҳам мулоқотлар манфаатини ҳимоя қилиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Тadbирда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари, Тошкент шаҳар прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари, банк, солиқ, божхона, ички

ишлар органлари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда тadbиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда таъкидланганидек, юртимизда тadbиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини кучайтириш борасида қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бу эса тadbиркорлик субъектлари сонининг ошириб боришини таъминлаётди. Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармони эса бу борадаги ишларни янада кенгайтириш имконини берди.

Тadbиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, улар фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик биз-

нес ва хусусий тadbиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтириш мақсадида қабул қилинган ушбу фармон ижросини назорат қилиш прокуратура органлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатди.

Анжуманда, шунингдек, жорий йилнинг 25 августда қабул қилинган «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тadbиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Президент қарори ҳам тadbиркорликни ривожлантириш учун яна бир ҳуқуқий асос экани таъкидланди. Ушбу ҳужжатга қўра, 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб тadbиркорлик фаолияти соҳасида 50 та ружсат бериш тартиботини қўллаш бекор қилинган қисқа муддатда ўз самарасини берди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилнинг 9 ойидаги 48,5 фоиз-



дан 50,5 фоизга кўтарилди. Конференцияда тadbиркорлик фаолиятига оид қўшимча базасининг кенгайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг янада ривожланишига,

улар сони ҳамда иқтисодий тармоқларидаги улушининг тобора ортиб боришига хизмат қилиши қайд этилиб, прокуратура органларининг хусусий сектор вакиллари билан алоқаларини

янада мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида аҳамият қаратилди. Тadbир якунида билдирилган тақлифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Палата тадбиркорлар томонида

2011 йилнинг 9 ойида САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИНИНГ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДАГИ АХБОРОТ-МАСЛАХАТ МАРКАЗЛАРИ ТОМОНИДАН 4434 ТА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИГА 72 МЛН. 304 МИНГ СЎМЛИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛИБ, 2321 НАФАР ТАДБИРКОРНИНГ ТАЙЁРЛОВ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛОВ БЎЙИЧА ҚИСКА МУДДАТЛИ КУРСЛАРДА МАЛАКА ОШИРИШЛАРИГА ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Ориф ЎЛМАСОВ,
«XXI ASR»

Бошқармада хориждан замонавий минитехнологиялар олиб келишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Ўзбек-Хитой савдо уйи» ва «Universal Machinery» компанияси вакиллари томонидан эса 155 та тадбиркорлик субъекти мурожаати асосида уларга Ўзбекистон ҳамда чет элларда ўтказиладиган кургазма ва ярмаркалар тўғрисидаги батафсил маълумотлар етказиб берилди. Натижада Наманган шаҳридаги «Ал Муҳаммадали» МЧЖга Хитой Халқ Республикасидан 123,0 минг АҚШ доллари тенг хўжалик қозоғи, Янгикўрғон туманидаги «Эталон» КТХФга 94,0 минг доллар миқдоридagi полипропилен труба ишлаб чиқариш лойиҳалари «Ўзбекистон Интернетшн А.О» компанияси томонидан молиялаштирилди.

— Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаимиз ходимлари олдидаги энг асосий вазифалардан биридир, — дейди ҳудудий бошқарма бошлиғи Маҳаммадобхўжа Апаков. — Шу боис ушбу масалага алоҳида эътибор берилаяпти. Мана бир мисол. Яқинда палата аъзоси бўлган хусусий тадбиркор Иброҳим Тожибоевнинг Украинада ишлаб чиқарилган 200 донна мотоцинаси Тошкент шаҳрига олиб кирилатган пайтда Қамчиқ довони боғжона пости ходимлари томонидан



тўхтатилиб, вақтинча олиб қўйилган экан. Бошқарма ходимлари ушбу ҳолат бўйича судда тадбиркорнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг фаолияти қонуний эканини исботлаб бердилар. Натижада тадбиркорнинг 6 400 000 сўмлик маҳсулоти ўзига қайтарилди.

«Шерали ССС» хусусий фирмаси раҳбари А.Шарипов «UNIMOBILE» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона билан тузилган шартномаларни қонунийлигини ўрганиб, мавжуд қарздорликларни ундириш юзасидан амалий ёрдам беришни сўраган эди. Шу муносабат билан Фарғона вилояти хўжалик судига даъво ариза киритилиб, жавобгардан тадбиркорга

етказилган 87 млн. сўм зарар ундириб берилди. Чуст туманидаги хусусий тадбиркор Р.Убайдуллаевнинг Москва шаҳридаги «Идеальный бизнес партнёр» МЧЖ билан тузилган шартномага асосан 5000 АҚШ доллари миқдоридagi пичок маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ муаммоси ҳам бартараф этилди.

Бундан ташқари, Фарғона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш дастури доирасидаги «Тадбиркорлик субъектларига ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш ҳамда жўжа очириш учун инкубаторни ишга тушириш» лойиҳаси молиялаштирилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга ҳам яқиндан ёрдам берилаяпти. Вилоят тадбиркорлари томонидан тайёрланган ва қурилган маҳсулотларни Россия Федерацияси, Буюк Британия, Хитой, Қозғистон ва МДХ давлатларига экспорт қилиш йўлга қўйилди. Экспорт улушини янада кўпайтириш мақсадида Италия ва Бельгиялик ишбилармонлар билан виллоятдаги қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспортга чиқариш учун институционал базани шакллантириш мақсадида экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқараётган «Истиклол» корхонасига Қозғистон Республикасида савдо уйи ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорларга янада қулай шароит яратиш, улар манфаатини ҳимоя қилиш, виллоят маркази ҳамда туманлардаги бозорларда хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, тадбиркорларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш марказларини ташкил этиш бўйича ҳам қизғин ишлар олиб бориляпти. Бундан қўзланган мақсад палата аъзоларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятини янада кенгайтиришига эришишидир.

«Сиб-Шавкат-Орзу» фермер хўжалиғи келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтиришни режалаштирмакда. Шу мақсадда сутни қайта ишловчи мини завод барпо этишга киришилди. Бу эса тез орада бозорларимизда «Сиб-Шавкат-Орзу» ёрлиғи туширилган сифатли сутқатиқ, қаймоқ ва пишлоқ маҳсулотлари пайдо бўлади, деганидир.

«Сиб-Шавкат-Орзу» фермер хўжалиғи келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтиришни режалаштирмакда. Шу мақсадда сутни қайта ишловчи мини завод барпо этишга киришилди. Бу эса тез орада бозорларимизда «Сиб-Шавкат-Орзу» ёрлиғи туширилган сифатли сутқатиқ, қаймоқ ва пишлоқ маҳсулотлари пайдо бўлади, деганидир.

БОШЛОВЧИЛАР БИЗНЕС ОЛАМИДА

О'zLiDeP Бухоро виллоят кенгашининг «Ёшлар қаноти» ҳам бу муҳим ишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, Бухоро шаҳри, Вобкент ва Жондор туманлари кенгашларининг бу борадаги ишлари диққатга сазовор бўлаяпти. Жумладан, яқинда Халқ банкнинг Вобкент филиали томонидан хусусий тадбиркор Лайло Ҳикматовга 49 млн. сўм ажратилганлиги миллий ширинликлар тайёрлашни янада кенгайтириш имконини берди. «Ёшлар қаноти» томонидан ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида иштирок этган йигит-қизларнинг бизнес оламига дадил кириб боришлари учун кенг йўл очмоқда. Жумладан, Бухоро давлат университети битирувчиси Зарнигор Тошева муваффақиятли бизнес лойиҳаси учун «Микрокредитбанк»нинг 13 млн. сўмлик кредитини қўлга киритди. Бухоро юқори технологиялар муҳандислик институти битирувчиси Хумора Курбонова эса Жондор туманида бир йўла 10 киши ишлайдиган тукувчилик цехини ташкил этди. «Микрокредитбанк»нинг 10 млн. сўмлик кредити ёш тадбиркор қиз учун ана шундай имтиёз берди. Асхор ИСТАМОВ.



КОРАКАЛПОФИСТОН.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Нукус шаҳрида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, молиявий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш борасидаги устувор вазифалар» мавзусида семинар ўтказилди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизмати кўрсатишда бюрократизм, сансоларлик ҳолатларига йўл қўймаслик, ишбилармонларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида юзага келатган масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Тадбирда О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари аппарат раҳбари М.Хожамуратов сўзга чиқиб, Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармонида белгиланган вазифалар асосида ҳамкор ташкилотларнинг мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий сектор ролини ошириш борасидаги биргаликдаги фаолиятини янги bosқичга кўтариш, жойларда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, мавжуд куч ва имкониятларни бирлаштириш лозимлигига аҳамият қаратди.

ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва

ривожлантиришда О'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг ўрни ва роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барчиной Машарипова сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»-да белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада жонлантириш, ушбу жараёнда, айниқса, хотин-қизларнинг ўрни ва роли хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Тадбирда Қўшқўпир туманидаги «Гулбахор Мадина» хусусий корхонаси раҳбари Гулбахор Хўжаева сўзга чиқиб, ижтимоий шериклик муносабатларини кенг қўламада йўлга қўйиш, бу борада ННТлар, жумладан, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид таклифлари билан ўртоқлашди.

СУРХОНДАРЁ. О'zLiDeP виллоят кенгаши «Ёшлар қаноти» томонидан Жарқўрғон туманидаги «Наврўз» маҳалласида ўтказилган давра суҳбатида эса ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенгроқ жалб этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, ёш тадбиркор ва фермерлар иштирок этган мулоқотда маҳаллаларда оилавий бизнесни янада ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш орқали аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, бошловчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

фермерлик ҳаракати қишлоқда ҳал қилувчи куч

Фермер катта йўлга чиқди

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Самарқанд виллоятининг Тайлоқ туманидаги «Сиб-Шавкат-Орзу» фермер хўжалиғи чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, айни пайтда 130 кишилик жамоа гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришда юқори натижаларни қайд эта бошлади. Бундан тўрт йил аввал 700 бош қорамол билан иш бошлаган хўжалик кейинроқ Исроиладан келтирилган биоматериаллар воситасида сигирларни сунвий урчишига қўл урди. Натижада 132 бош сигирдан насли бузоқлар олинди. Айни пайтда уларнинг ҳар биридан кунига 30 литргача сут соғиб олинмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда Германиядан ҳар бири 7 млн. сўмга тенг 165 бош зотдор моллар олиб келинди. Натижада хўжаликдаги насли моллар 1000, сутдор сигирлар 400 бошга етди.

Бу ерда янги технологиялардан унумли фойдаланилаётгани эса иш сифати ва уну-

мини оширмакда. Яқин-яқингача фермада сигирлар қўлда соғиб келинар, бу қўшимча куч ва вақт талаб қиларди. Утган йили Германиядан автомат сут соғиш ускуналари

Жорий йилда Германиядан ҳар бири 7 млн. сўмга тенг 165 бош зотдор моллар олиб келингани натижасида хўжаликдаги насли моллар 1000, сутдор сигирлар эса 400 бошга етди.

харид қилинган, жараён тезлашиб, сут соғувчилар меҳнати анча осонлашди. Эндиликда ҳар ойда 135 тонна сут қайта ишловчи 3 та корхонага етказиб берилмоқда.

Хўжаликда қорамолларнинг озуқа базасини шакллантириш мақсадида 357 гектарлик экин майдони ажратилгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ерга илғор агротехника қоидалари асосида ишлов берилаётгани унумдорлигининг ошишини таъминляпти. Хусусан, деҳқончиликнинг илк йиллари 60 гектар майдонга «Крас-

нодар-99» навли уруғлик бугдой экилиб, гектардан 62 центнердан ҳосил олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 65 центнерга етди. — Чорва молларимиз учун бир ойда 107

млн. сўмлик озуқа керрак, — дейди фермер хўжалиғи бош ҳисобчиси Суннатилло Эшонқулов. — Биргина емнинг ўзидан ҳар ойда 72 тонна гамлаш зарур. Чорвачилик фермаси ҳудуди 10 гектардан ортиқ бўлгани сабабли озуқа сақлаш учун барча шароитга эгамиз. Ҳар бири 2,5-3 тонна сифимга эга 7 та узун хандаклар қазилиб, ем-хашак билан тўлдирилган. Бундан ташқари, йил давомида биргина беда майдонларидан 5 марта хашак йиғиб олинмоқда. Ерга ишлов берувчи, ҳосилни йиғиб олиш ва ташишга

мўлжалланган 40 та қишлоқ хўжалиғи техникаси иш унумдорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Жорий йилда фермер хўжалиғида яна бир лойиҳага қўл урилди. Аҳолига сифатли парҳез гўшт етказиб бериш мақсадида Польшадан 354 минг еврога инкубация цехи келтирилиб ўрнатилди. Паррандачилик фабрикаларидан 111 минг донна инкубацион тухум келтирилиб, 42 мингта жўжа очирилди. Тухумни ёриб чиққан полалонлар 14 минг бош жўжани боқиш имкониятига эга цехларга тақсимланади. Жўжалар 40 кун боқилиб, сўнг гўштга топширилади. Эндиликда бозорга ҳар ойда 16 тонна атрофида товук гўшти етказиб берилаяпти.

«Сиб-Шавкат-Орзу» фермер хўжалиғи келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтиришни режалаштирмакда. Шу мақсадда сутни қайта ишловчи мини завод барпо этишга киришилди. Бу эса тез орада бозорларимизда «Сиб-Шавкат-Орзу» ёрлиғи туширилган сифатли сутқатиқ, қаймоқ ва пишлоқ маҳсулотлари пайдо бўлади, деганидир.

ЭЪЛОН

Qishloq Qurilish Bank

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«Фойдали»	—	муддати	1 ой,
«Олтин куз»	—	муддати	2 ой,
«Хирмон»	—	муддати	3 ой,
«Чарос»	—	муддати	6 ой,
«Нихол»	—	муддати	9 ой,
«Кумуш»	—	муддати	12 ой

ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА УСТАМА ФОИЗЛАР ҲАР ОЙДА ТЎЛАБ БОРИЛАДИ.

«КЕЛАЖАККА САРМОЯ»

— жамғармали 18 ёшгача

ОМОНАТ СУММАСИГА ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ҚЎЙИЛИШИ МУМКИН.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4057-сонли фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39
www.qishloqqurilishbank.uz




Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

«ШҮРТАНГАЗКИМЁ»

МАЖМУАСИ
ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини
муқаддас байрам —
Ийди Курбон билан
муборакбод этади.
Жаннатмакон
юртимизнинг
ҳар бир хонадонига
тинчлик, фаровонлик ва
қут-барака тилайди.
Улуғ айём муборак,
азиз ватандошлар!*






«ШЎРТАННЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

*Ўзбекистон халқини
муборак Ийди Курбон
байрами билан
табриклайди.*

*Аллоҳ назари тушган
диёримиз осмони
доимо бугунгидек мусаффо
бўлишини тилайди.*

*Ушбу муқаддас кунларда
барча эзгу тилакларингиз
ижобат бўлсин,
азиз юртдошлар!*



СЎНГГИ САҲИФА

web sayf: www.21asr.uz

«Насаф»нинг тарихий ғалабаси

ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) КУБОГИНИНГ ФИНАЛИДА «КУВАЙТ СПОРТ КЛУБИ»НИ 2:1 ХИСОБИДА МАҒЛУБ ЭТГАН «НАСАФ» ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ТАРИХИДА КИТЪАВИЙ МУСОБАКАЛАРНИНГ МУТЛАК ГОЛИБЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН БИРИНЧИ КЛУБ БЎЛДИ


Шухрат ХУҲАЕВ,
«XXI ASR»

Қаршидаги «Марказий» стадионни тўлдириб ўтирган қарийб 18 минг нафар мухлис ҳал қилувчи учрашувдаги ҳисобнинг очилишини бир соатдан ортиқ вақт кутишга мажбур бўлди. 62-дақиқада тўлни туркманистонлик жамоадoshi Артур Геворкяндан қабул қилиб олган Илҳом Шомуродов дарвозанинг очик бурчагини нишонга олишда адашмади. Мазкур голнинг ховури тушмасидан, яъни орадан бор-йўғи 3 дақиқа ўтган стадион яна бир карра ларзага келди. «Насаф»нинг латвиялик легионери Андрей Перелёткинс томонидан ўзига хос услубда амалга оширилган голга яна ўша тиниб-тинимас Геворкян ассистентлик қилди.

Ҳисобдаги фарқни иккига етказган Анатолий Демьяненко шогирдлари ўзларини энди эркин ҳис қила бошлаганларида кувайтликлар томонидан ушатирилган тиздор «рейд» гол билан яқунланди. 68-дақиқада чап қанотдан оширилган тўлни кутилмаганда дарвозага йўллаган Кот-д'ивуарлик Борис Ландри Каби Мурод Зухуровни доғда қолдириб, учрашувдаги вазиятнинг бир мунча кескинлашишига сабабчи бўлди. Шундай бўлса-да, 2:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

Эътиборлиси, мазкур ғалаба «аждарлар»га кейинги мавсумда кўта футбол клублари ўртасида ўтказиладиган энг нуфузли мусобақа — Осий Чемпионлар лигасида иштирок этиш имконини берди.

— Умуман олганда, гуруҳ баҳсларини «+26» кўрсаткичи тўғрисида нисбати билан яқунлаб, бу борада 32 та жамоа орасида энг яхши натижага эриш-



ганимиздаёқ бош совринни қўлга киритишимиз мумкин экан, деган ҳаёлга боргандим. Тўғри, «плей-

офф» баҳсларида шогирдларим нисбатан қучлироқ рақибларга қарши тўп суришди. Шунга қарамай,

финал йўлланмасини қўлга киритишнинг уйдасидан чиқдик. Ҳал қилувчи учрашувда эса йигитлар жуда чиroyли ўйин кўрсатиб, кўп сонли мухлисларни хушнуд эта олишди, — деди ўйин якунида Анатолий Демьяненко. — Ишонч билан айтишим мумкинки, бугун «Насаф» Осий Чемпионлар лигаси мусобақасида ҳам бош соврин учун кураша оладиган клуб даражасига етди.

ОФК кубогини голиб жамоага тантанали равишда топшириш мақсадида юртимизга ташриф буорган Осий Футбол конфедерацияси президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг ўзбек футболда амалга оширилган ислохотлар билан ақиндан танишди.

— Ўзбекистонда болалар футболни ривожлантириш йўлида қилинаётган ишлар менда гоят катта таассурот қолдирди, — деди у Қаршидаги «Насаф» футбол академиясининг очилиш маросимида. — Бу ишлар ўзбек футболнинг ёрқин келажаги учун пойдевор вазифасини ўташига ишонаман.

ХАЛҚА ЙЎЛИДА ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида пойтахтимиздаги кичик халқа йўли бўйидаги «Фарход» деҳқон бозори ёнида қурилган икки қаватли 16 та блокдан иборат замонавий савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ахборот хизматида хабар қилинишича, блокларнинг ҳар бири 1200 квадрат метр жойини эгаллаган бўлиб, мажмуага маълум бир йўналишда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни жалб қилиш кўзда тутилган. Масалан, 1, 2, 3 ҳамда 11-бўлимларнинг биринчи қаватида, 7-блокнинг 2-қаватида, шунингдек, «8», «12», «14» рақамлари билан белгиланган кичик биноларнинг биринчи ва иккинчи қаватида мансий техника молларини сотиш режалаштирилган. Мажмуанинг умумий оватланиш жойи 6-бўлимдан жой эгаллайди. Бундан ташқари, бу ерда кийим-кечак, спорт, ҳўжалик, автохўжиёт қисмлари сотишга мўлжалланган алоҳида-алоҳида блоклар мавжуд.



Бухорода янги аэровокзал

31 ОКТАБРЬ КУНИ «БУХОРО» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИДА ЖАХОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ҚУРИЛГАН ЯНГИ АЭРОВOKЗАЛ МАЖМУАСИ ИШГА ТУШДИ

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жалдлаштириш тўғрисида»ги қарори мувофиқ барпо этилган янги терминал йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва ҳажмини бир неча баробар кенгайтириш имконини бериши алоҳида таъкидланмоқда.

Учаш-қўниш майдони «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли «ИЛ-114» русумли самолётнинг қўниши билан бошланган тантанادا вилоят ҳокими Самойдин Хусенов, МАК бош директори ўринбосари Эгамберди Полвонов, «Бухоро» халқаро аэропорти бош директори Тоҳир Бахромов, шунингдек, объектни бунёд этган қурилиш ташкилотларининг мутасадди вакиллари иштирок этдилар.

— Замонавий лойиҳа асосида барпо этилган аэровокзал мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг янги наму-

насиридир, — деди вилоят ҳокими С.Хусенов. — Жаҳоннинг баъзи худудларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда республикаимизда бундай йирик объектларнинг қурилиши юртимиз иқтисодий қудрати ошиб бораётганидан далолат беради.

Аҳамиятли томони шундаки, VIP, СІР заллари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, авиакасса, валюта айирбошлаш шохбчаси, почта бўлими ҳамда «Duty free» дўконлар тармоғи каби инфратузилмалар билан таъминланган янги терминал соатига 400 нафар йўловчини қабул қила олади.

Шу ўринда жорий йилнинг 9 ойида 1914 та қатновни амалга ошириб, салкам 75000 нафар йўловчи узогини яқин қилган ҳамда 57,9 тонна юкни тегишли манзилларга етказган «Бухоро» ҳаво бандаргоҳи «Аэропорт» халқаро ассоциацияси томонидан ўтказилган танловда 3 марта «МДХ мамлакатларининг энг яхши аэропорти» номинацияси голиби, деб топилганини таъкидлаш жоиз.

СПОРТЧИ ДЕПУТАТ ЭТИБ САЙЛАНГАННИ БИЛМАЙ ҚОЛДИ

Фаолияти давомида 16 марта «Улкан тож» туркумига кирувчи мусобақаларнинг мутлак голиблигини қўлга киритган, 2004 йилнинг февралда дунёнинг биринчи ракеткаси бўлишга эришган таниқли теннисчи Роже Федерер ўзи билмаган ҳолда Швейцария парламенти депутати этиб сайланди.

Маълумотларга кўра, яқинда мамлакатда ўтказилган парламент сайловларида Федерернинг она шаҳри, 7 минг нафар аҳолига эга Воллераунинг (Швиц музофоти) 132 нафар фуқароси бюллетенларда қайд этилган барча номзодларни ўчириб, рўйхат остига теннисчининг исми-шарифини ёзиб қўйган.

Кизиги шундаки, шу пайтга қадар Роже спортдаги фаолиятини яқунлаш ёки ўзини сиёсатда синаб кўриш ҳақида бирон-бир фикр билдирмаган. Таъкидлаш жоиз: Швиц кантонинда амал қилувчи қонунларга мувофиқ сайловчилар ана шу музофотда яшовчи хоҳлаган фуқарога овоз бериш ҳуқуқига эга. Бошқача айтганда, бу ерда етарли овоз тўплаган номзод ўзи билмаган ҳолда депутат ва сенатор лавозимини эгаллаши мумкин.

7 МИЛЛИАРД ЧЕГАРА ЭМАС

Буёқ Британиянинг The Economist ҳафталиги БМТнинг аҳолишунослик бўйича жамғармаси маълумотларига таяниб, 2011 йил 31 октябрь куни Ер юзи аҳолиси 7 миллиард кишига етганини маълум қилди. Шу маънода 1968 йилда атоқли ёзувчи Жон Брунернинг башорати 1 йилга кечикиб бўлса-да тўғри чиқди, дейиш мумкин. Ушанда Ер юзи нуфуси 3,5 миллиард кишини ташкил этгани ҳолда, ёзувчи аҳолининг кўпайиш суръати ва бошқа ижтимоий-демографик омилларни таҳлил этиб, 2010 йилда сайёрамизда 7 млрд. киши яшашини башорат қилган эди.

Шуниси кизикки, дунё аҳолисининг 1 миллиардга етиши учун 250 минг йил кетган бўлса, 2 миллиард кишига ўсиши учун 1 аср, 3 миллиардга кўрсаткичини эгаллаши учун эса бор-йўғи 32 йил «сарфланди» холос. Беш миллиарддан олтинчи миллиардга сакраш эса 12 йилга чўзилди. Сайёрамиз аҳолисининг навбатдаги «миллиардлик» довоини забт этиши учун ҳам 12 йил етарли бўлди. БМТ мутахассисларининг башоратига кўра, 2050 йилга бориб Ер юзида 9,5 миллиард киши яшайди. Умуман олганда, инсоният кўпайишининг энг юксак чўққиси 1960 йилларда кузатилган. Ушанда аҳоли ўсиши йилга 2 фоизни ташкил этарди. Ҳозир эса бу кўрсаткич 1 фоизга тенг.

БМТ тез орада «етти миллиардичи» чақалокни маълум қилади. Эслатиб ўтамиз, Ернинг «олти миллиардичи» чақалокни Аднан Невич (Adnan Nevic) бўлиб, у 1999 йил 12 октябрда Босниянинг Сараево шаҳрида тутилган.

Абулфайз Сайидасқаров тайёрлади.



реклама

SHURTAN GAZ KIMYO MAJMUASI» УШК «POLIETILEN QUVURLAR» ШК Навоий вилояти «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойдан бошлаб «ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР» шўъба корхонаси ишга тушди. Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва томчилаб суғоришда фойдаланиладиган шланклар кенг асортиментда ишлаб чиқарилмоқда. Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йилларга халос этади. ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚУВУРЛАР 50 ЙИЛЛИК КАФОЛАТ МУДДАТИГА ЭГА.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР БАҲСИ

Пойтахтимизда «Олтин куз» болалар шахмат фестивали давом этмоқда. Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёш шахматчилар маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилган мусобақада ўн ёшгача бўлган ўттиз нафарга яқин иқтидорли ўғил-қиз гулиблик учун донна сурмоқда. Швейцария усулида тўққиз турдан иборат партияларни ўз фойдасига ҳал қилган уч ёш шахматчи пешқадамлик қилмоқда. Кўшимча кўрсаткичларга кўра, биринчи погонани эгаллаб турган Шамсиддин Воҳидов мусобақа давомида Саидбек Муродов, Лазиз Нурмуҳаммедов ва Шарофиддин Ҳакимовни мот қилди.

Ғолибликка асосий даъвогарлардан Хожиақбар Хожикурбонов эса Бехзод Латипов, Мархабо Норуллоева ҳамда Самариддин Худойбердиевдан устун келди. Етти ёшли Самина Нормирзаева ҳам истеъдодли шахматчи эканини намойён этмоқда. У дастлабки уч учрашувда Мария Арефьева, Эдуард Бочковский ва Акбар Хусановни мағлубиятга учрағиб, уч очко жамғарган ҳолда пешқадамлар сафидан бормоқда. Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси




Мамлакатимизда шу ҳафта охири ва кейинги ҳафта бошларида ўзгарувчан об-ҳаво ҳарорати кузатилиб, ёгингарчилик кутилмайди. 5-7 ноябрь кунлари баъзи жойларда ҳарорат 0-5 даража совуқгача пасаяди. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат 4 ноябрда кечаси 2-7, кундузи 8-13 даража илқ бўлади. 5-7 ноябрда кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ-2 даража илқгача пасаяди. Бухоро ва Навоий вилоятларида 5-7 ноябрда гарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, 15-20 м/с. тезликгача кучаяди. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 4-5 ноябрда 10-15 даража илқ бўлади, 6-7 ноябрда 0-5 даража илқгача пасайиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, 7 ноябрда баъзи жойларда қорга айланиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 4-5 ноябрда 10-15 даража илқ бўлади, 6-7 ноябрда 2-7 даража илқгача пасайиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 3-8, кундузи 4-5 ноябрда 10-15 даража илқ бўлишини, 6-7 ноябрда 4-9 даража илқгача пасайишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 6-7 ноябрда айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Шамол шарқдан 15-20 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 4-5 ноябрда 10-15 даража илқ бўлади, 6-7 ноябрда 2-7 даража илқгача пасайиши кутилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, 7 ноябрда баъзи жойларда қорга айланиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 4-5 ноябрда 10-15 даража илқ бўлади, 6-7 ноябрда 2-7 даража илқгача пасайиши кутилмоқда. Республиканинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, 6-7 ноябрь кунлари вақти-вақти билан ёққан ёмғир қорга айланиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ-2 даража илқ бўлади, кундузи 4-5 ноябрда 2-7 даража илқ, 6-7 ноябрда 2 даража совуқ-3 даража илқгача пасаяди.



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадсўф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖУРАБОВ; Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАЙИЕВ, Зейнолла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Муҳлис АҚРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОҒИЙОВ, Шухрат ОРИЛОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Маркз ЮСУПОВ, Зуҳрад АБРОҚОВА, Шаҳноз НАЗАРОВ, Сайфулла ИҚРОМОВ, Аскар ИСТАМОВ, Темир АБДУРАҲМОНОВ. Тошқир МИРЗОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХИРИСНОВ. БОШ МУҲАРРИР: Миродин АБДУРАҲМОНОВ. МАЪНА ТЕРҲИМОВ: Раъно АБДУЛЛИМОВА. БУЎЛИМЛАР: Қоғизят — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, катталар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва ауссий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс). ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нурас кўчаси, 73А-ўй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxborot@xxi.asr.uz, xxi_asr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru. ©XXI ASR-дан олинган маълумотларда минба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нукати назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМДУ Босмақонсида чоп этилди. Қорқона макони. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси «XXI ASR» ютимиий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Маълумот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 ноябрда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган. Бўрирма рақами: 1 3067 Тираж: 9 262 Баҳо:сониқилган нархда. Топшириқди — 2010



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 НАВБАТЧИЛАР: Т.АБДУРАҲМОНОВ, М.Р.ЗИЕВ. Тикорат белгиси